

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий
кўрсаткичлар**

	Млрд. сўм	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	36839,4	109,0
Саноат маҳсулоти	23679,0	112,7
Истеъмол товарлари	7436,5	117,7
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	10479,6	104,5
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	8483,7	128,3
Қурилиш ишлари	3480,4	108,3
Юк айланмаси, млрд.тн–км	84,0	106,7
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	64,6	113,7
Чакана товар айланмаси	12558,9	117,2
Пуллик хизмат кўрсатиш	4474,6	120,6
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	19077,0	121,4
экспорт	11572,9	128,7
импорт	7504,1	111,5

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш

2008 йилнинг январ–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) номинал қиймати 36839,4 млрд. сўмда баҳоланди. Унинг ўсиш суръати 2007 йилнинг январ–декабрига нисбатан 109,0 фоизни ташкил қилди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 79,4 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида 20,6 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.


ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:

яқунга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 48,2 фоизи кичик тад– биркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 2,5 фоизга ўсди. Шу жумладан кичик корхона ва микрофир– малар томонидан ЯИМнинг 29,5 фоизи ишлаб чиқарилиб, 2007 йилга нисбатан 2,1 фоизга кўп бўлди.

Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотла– рига кўра, 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 483,7 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 444,9 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 92,0 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 59,6 фоизи), савдо ва умумий овқатланиш (14,2 фоизи), саноат (5,9 фоизи) ва қурилиш (4,1 фоизи) соҳаларига тўғри келади.


2009 йилнинг 1 январ ҳолатига корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	483,7	100,0	444,9	100,0
шу жумладан:				
саноат	28,7	5,9	22,8	5,1
қурилиш	20,0	4,1	16,1	3,6
қишлоқ хўжалиги	288,1	59,6	278,4	62,6
транспорт ва алоқа	7,2	1,5	6,4	1,4
моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари	19,9	4,1	18,0	4,0
савдо	68,8	14,2	54,5	12,2
аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари	3,3	0,7	2,9	0,7
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва ижтимоий таъминот	9,8	2,0	9,2	2,1
таълим, маданият, фан ва илмий хизмат кўрсатиш	16,3	3,4	15,8	3,6
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	21,5	4,5	20,8	4,7

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 93,0 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 56,1 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 фоизи хусусий корхоналардир.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январ ҳолатига,
умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2008 йил январ–декабрида жами 38,6 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри (республика бўйича руйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 17,1 фоизи), Фарғона (9,6 фоиз), Қашқадарё (8,0 фоиз) ва Андижон (7,9 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 37,0 фоизи қишлоқ хўжалигига, 24,8 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 11,9 фоизи саноатга тўғри келади.

2008 йилнинг январ–декабрида 25,0 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 2,3 минг нафари ихтиёрий равишда тугатилган. Фаолияти тугатилган корхоналарнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрига (республика бўйича тугатилган жами корхонанинг 16,6 фоизи), Қашқадарё (8,8 фоизи), Андижон (8,6 фоизи) ва Фарғона (8,6 фоизи) вилоятларига тўғри келган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 31,8 фоизи савдо ва умумий овқатланишга, 30,3 фоизи қишлоқ хўжалигига, 14,0 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2008 йил январ–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



■ Давлат сектори
 ■ Нодавлат сектори

Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳатлар шу секторда юқори ўсиш даражасига эришишни таъминлади.

2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 48,2 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан, шу жумладан 9,2 фоизи кичик корхоналар, 20,3 фоизи микрофирмалар ва 18,7 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилди.

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

8024,1 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 72,7 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 5859,8 минг нафари хусусий сектор, 2164,3 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21,8 фоизга ўсди ва 3302,1 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 13,9 фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 4,7 фоизга ўсиб, 10248,9 млрд. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,8 фоизи) ташкил қилди;

асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 1883,4 млрд.сўми (инвестициялар умумий ҳажмининг 22,2 фоизи) ўзлаштирилди, 2034,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 22,2 фоизи) бажарилиб, 18,8 фоизга ўсди;


автомобил транспортида юк айланмаси 21,7 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 73,0 фоизи), йўловчи айланмаси 14,8 фоизга кўпайиши (умумий йўловчи айланмасининг 84,4 фоизи) таъминланди;

чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 47,2 фоизи ёки 5929,2 млрд.сўми (ўсиш 14,7 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 49,1 фоизи ёки 2195,1 млрд. сўми (ўсиш 18,1 фоиз) шакллантирилди;

1421,5 млн. АҚШ доллари (экспорт умумий ҳажмининг 12,3 фоизи) миқдориди маҳсулот экспорт қилинди (2007 йилга нисбатан 106,6 фоиз), 2889,7 млн. АҚШ доллари (импорт умумий ҳажмининг 38,5 фоизи) миқдориди маҳсулот импорт қилинди (2007 йилга нисбатан 134,1 фоиз).

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2008 йил январ–декабрида кичик тадбиркорлик маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	3302,1	36,3
Қишлоқ хўжалиги	10248,9	100,0
Қурилиш	2034,6	66,8
Чакана савдо	5929,2	82,0
Пуллик хизмат	2195,1	93,3
Юк ташиш, млн.тн	321,5	87,7
Йўловчи ташиш, млн.киши	4021,1	96,4
Экспорт, млн. АҚШ долл.	1421,5	15,2

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Импорт, млн. АҚШ долл.	2889,7	25,2

Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулки қўмитасининг маълумотларига кўра, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини амалга ошириш жараёнида 2008 йилнинг январ-декабрида 392 та объектлар хусусийлаштирилган.

Хусусийлаштирилган объектларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича хусусийлаштирилган объектларнинг 25,0 фоизи), Тошкент (20,4 фоизи), Наманган (7,4 фоизи), Хоразм (7,1 фоизи), Қашқадарё (6,6 фоизи), Самарқанд (5,9 фоизи) ва Фарғона (5,9 фоизи) вилоятларига тўғри келган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улушни маҳаллий ҳокимиятлар (43,6 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (13,8 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (9,7 фоиз) объектлари ташкил қилади.

2008 йилнинг январ – декабрида вазирлик ва идоралар бўйича хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	392	100,0
шу жумладан:		
Маҳаллий ҳокимиятлар	171	43,6
Халқ таълими вазирлиги	38	9,7
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	54	13,8
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	23	5,9

	Хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
«Ўзбекнефтгаз» МХК	11	2,8
Бошқа	95	24,2

2008 йилнинг январ–декабрида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 130,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Пул маблағларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрига (хусусийлаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 42,1 фоизи), Тошкент (17,5 фоиз), Хоразм (14,1 фоиз), Сирдарё (12,6 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Ташқи савдо айланмаси 2008 йилнинг январ–декабрида 19077,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди ва 2007 йилга нисбатан 21,4 фоизга ортди, шу жумладан экспорт 11572,9 млн. АҚШ долларини (28,7 фоиз), импорт 7504,1 млн. АҚШ долларини (11,5 фоиз) ташкил қилди.

Ташқи савдо баланси ижобий бўлиб 4068,8 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан – 807,1 млн. АҚШ доллари, бошқа мамлакатлар билан – 3261,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.


Республика ташқи савдо айланмаси қуйидаги кўрсаткичлар билан ифодаланади:

(млн. АҚШ доллари)

	2008й. январ– декабр	2007 йил январ– декабрига нис– батан фоиз ҳисобида
Ташқи савдо айланмаси	19077,0	121,4
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	7214,5	93,9

	2008й. январ– декабр	2007 йил январ– декабрига нис– батан фоиз ҳисобида
бошқа мамлакатлар	11862,5	147,5
Экспорт	11572,9	128,7
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	4010,8	93,9
бошқа мамлакатлар	7562,1	160,3
Импорт	7504,1	111,5
шу жумладан:		
МДҲ мамлакатлари	3203,7	94,1
бошқа мамлакатлар	4300,4	129,5

Ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа мамлакатларининг улуши қуйидагича ифодаланади:




Экспорт ва импорт ҳажми ва таркибидаги ўзгаришлар динамикаси

	Экспорт ва импорт таркиби, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2007й январ–декабр	2008й январ–декабр	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт	100,0	100,0	128,7
пахта толаси	12,5	9,2	94,6
озиқ–овқат маҳсулотлари	8,5	4,4	67,5
улардан истеъмол маҳсулотлари	8,0	4,2	67,9
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	6,8	5,6	104,8
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	20,2	25,2	160,5
қора ва рангли металллар	11,5	7,0	78,8
машина ва ускуналар	10,4	7,5	93,7
хизматлар	10,7	10,4	124,4
бошқалар	19,4	30,7	2,0м.
Импорт	100,0	100,0	111,5
озиқ–овқат маҳсулотлари	7,2	8,1	126,1
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган истеъмол маҳсулотлари	4,7	4,7	110,7
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	13,1	13,0	110,5
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	3,5	2,1	66,5
қора ва рангли металллар	7,5	6,8	100,6
машина ва ускуналар	49,6	53,3	119,8
хизматлар	5,8	5,7	109,2
бошқалар	13,3	11,0	92,9



Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

2007й.



2008й.




Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Россия	20,2	86,6
Украина	8,4	144,5
Хитой	6,8	143,5
Швейцария	5,7	2,5м.
Корея Республикаси	5,5	123,7
Қозоғистон	4,8	65,5
Туркия	4,1	99,5
Эрон	3,0	95,8
Афғонистон	2,8	159,7
Германия	2,5	124,4
АҚШ	2,0	170,4
Қирғизистон	1,4	144,0
Латвия	1,3	2м.
Буюк Британия	1,2	130,1
Франция	1,1	61,1

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2007 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Сингапур	0,9	107,1
Тожикистон	0,9	85,4
Япония	0,9	2,1м.
Беларуссия	0,7	103,7
Туркманистон	0,7	148,5
Италия	0,6	159,0
БАА	0,5	82,6
Нидерландия	0,5	152,2
Ҳиндистон	0,4	106,5
Озарбайжон	0,4	117,5
Белгия	0,3	114,0
Австрия	0,3	81,3

2008 йилнинг январ–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:

Экспорт



- Пахта толаси
- Озиқ- овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

Саноат

2008 йилнинг январ–декабрида саноат маҳсулоти ҳажми 23679,0 млрд. сўм ёки ўсиш суръати 2007 йилнинг январ–декабрига нисбатан 112,7 фоизни ташкил этди.


Ҳисобот даврида 7436,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 117,7 фоизни ташкил этди. Жумладан, 3020,5 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 4416,0 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (2007 йилга нисбатан 119,3 фоиз ва 116,6 фоиз) ишлаб чиқарилди.

2008 йилнинг январ–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	23679,0	112,7
шу жумладан:		
электроэнергетика	2032,6	99,6
ёқилғи	4761,3	123,9
қора металлургия	690,5	105,7
рангли металлургия	2975,6	94,9
кимё ва нефт–кимё саноати	1186,8	108,2
машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	3828,6	123,5
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза–қоғоз саноати	185,0	119,8
қурилиш материаллари саноати	1171,7	109,8
енгил саноат	3050,5	106,6
озиқ–овқат саноати	2504,8	128,2
Истеъмол товарлари	7436,5	117,7
шу жумладан:		
озиқ–овқат маҳсулотлари	3020,5	119,3
ноозиқ–овқат маҳсулотлари	4416,0	116,6

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Электроэнергетика
- Ёқилғи саноати
- Қора металлургия
- Рангли металлургия
- Кимё ва нефт- кимё
- Машинасозлик ва метални қайта ишлаш
- Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза – қоғоз
- Қурилиш материаллари
- Енгил саноат
- Озиқ- овқат саноати
- Бошқа соҳалар

Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш (йирик корхоналар бўйича)

	2008 йил январ–декабр	2007 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёқилғи –энергетика саноати		
Электроэнергия, млн. кВт. соат	50,1	102,3
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	19,8	97,2
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	4,8	97,6

	2008 йил январ–декабр	2007 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Бензин, минг тн	1464,1	103,2
Дизел ёқилғиси, минг тн	1287,2	92,4
Мазут, минг тн	539,5	78,4
Керосин, минг тн	361,7	120,6
Мой, минг тн	261,2	86,4
Суюқлантирилган газ, минг тн	248,1	104,4
Қора металлургия саноати		
Пўлат, минг тн	685,7	104,5
Тайёр прокат, минг тн	643,0	103,8
Кимё ва нефт–кимё саноати		
Минерал ўғитлар, минг тн	1064,9	104,2
Сунъий аммиак, минг тн	1280,4	104,6
Карбамид, минг тн	460,7	107,0
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	1730	123,5
Олтингугурт кислотаси, минг тн	924,4	94,6
Кимёвий тола ва иплар, тн	12646	79,0
Калцийлаштирилган сода, минг тн	71,0	152,0
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати		
Енгил автомобиллар, дона	195038	113,5
Автобуслар, дона	1556	139,4
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млн.сўм	141522,4	123,3
Тракторлар, дона	2437	101,1
Аккумуляторлар, минг дона	447	100,9
Трактор культиваторлари, дона	1773	113,4
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	6218	57,7
Кабель маҳсулотлари, млн.сўм	170850	151,9
Ўтказиш симлари, км	11730	142
Шаҳар телефон алоқаси кабеллари, км	7790	67,0
Қурилиш материаллари саноати		
Цемент, минг тн	6647	110,0
Шифер, млн. шартли плитка	433,9	88,9

	2008 йил январ–декабр	2007 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	150,1	85,1
Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	12412	103,8
Бутилкалар, млн. дона	247,6	83,8
Енгил саноат		
Пахта толаси, минг тн	1174,2	104,4
Чигит, минг тн	1821,9	103,9
Пахта линти, минг тн	88,3	108,6
Ипак тола, тн	281,2	75,9
Бир ипли тўқима ип газлама, минг тн	136,1	89,5
Газлама – жами, млн. кв. м	114,1	72,5
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	29163	82,9
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	9262	101,9
Озиқ–овқат саноати		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	19,4	118,5
Консервалар, млн. шартли банка	157,9	134,9
Шакар, минг тн	254,3	148,8
Ўсимлик ёғи, минг тн	284,6	102,5
Макарон маҳсулотлари, минг тн	17,1	97,7
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	8566	99,6
Вино, минг дал	2446	101,6
Пиво, минг дал	11947	113,9
Маъданли сув, млн. ярим литр	224,7	132,7
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	10461	119,8
Ун–ёрма ва омехта ем саноати		
Ун, минг тн	1425,6	98,9

	2008 йил январ–декабр	2007 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ёрма, минг тн	2,0	85,4
Омихта ем, минг тн	698,2	117,5


Қишлоқ хўжалиги

2008 йилнинг январ–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10479,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2007 йилга нисбатан 4,5 фоизга ошди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 5605,5 млрд. сўмни (2007 йил январ–декабрига нисбатан 102,8 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 4874,1 млрд. сўмни (106,7 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг улуши 65,3 фоизни, фермер хўжалиklarининг улуши 32,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,2 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалиklar тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 2008 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3609,3 минг га.ни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1559,5 минг гектар, буғдой экин майдони 1373,6 минг гектар майдонни ташкил қилди. Пахта экин майдони 1425,0 минг гектарни ташкил этди.

2008 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 6730,6 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 6335,8 минг тоннаси бошоқли дон ва 6146,7 минг тоннаси буғдойни ташкил этади.

Давлат эҳтиёжи учун сотилган бошоқли дон экинлари 2531,4 минг тоннани, шу жумладан, буғдой 2401,1 минг тоннани ташкил қилди.

Асосий қишлоқ хўжалиги экинлари экиш майдони:

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

	2008й.	
	Минг тонна	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	6730,6	100,0
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	6335,8	94,1
шундан:		
буғдой	6146,5	91,3
дон учун маккажўхори	227,7	3,4
шоли	110,4	1,6
бошқалар	56,7	0,9

Ҳисобот даврида 1398,7 минг тонна картошка (2007 йилга нисбатан 117,7 фоиз), 5217,4 минг тонна сабзавот (111,7 фоиз), 981,2 минг тонна полиз экинлари (116,8 фоиз), 1402,8 минг тонна мева ва резаворлар (110,5 фоиз) ва 791,0 минг тонна узум (89,9 фоиз) йиғиб олинди.

Чорвачилик. 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик шохли қорамоллар 8024,8 минг бош (7,6 фоизга), шу жумладан сигирлар

202,4 минг бошга (6,5 фоизга), қўй ва эчкилар 936,8 минг бошга (7,4 фоизга), паррандалар 3398,5 минг бошга (13,0 фоизга) кўпайди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 1287,9 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2007 йилга нисбатан 6,6 фоизга кўп), 5426,3 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 2429,0 млн. дона тухум (9,7 фоизга кўп), 23,8 минг тонна жун (6,2 фоизга кўп), 896,8 минг дона қоракўл тери (14,9 фоизга кўп), 23,5 минг тонна пилла (9,2 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:


	2008й.	2008 йил 2007 йилга нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1287,9	106,6
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	32,4	106,6
деҳқон хўжаликлари	1223,4	106,6
қишлоқ хўжалик корхоналари	32,1	102,6
Сут, минг тн.	5426,3	106,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	151,5	120,8
деҳқон хўжаликлари	5250,2	106,1
қишлоқ хўжалик корхоналари	24,6	110,3
Тухум, млн. дона	2429,0	109,7
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	155,2	175,4
деҳқон хўжаликлари	1500,8	108,5
қишлоқ хўжалик корхоналари	773,0	104,0

	2008й.	2008 йил 2007 йилга нисбатан фоизда
Жун, тн.	23779	106,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	1274	111,2
деҳқон хўжаликлари	19742	107,5
қишлоқ хўжалик корхоналари	2763	96,3
Қоракўл тери, минг дона	896,8	114,9
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	38,3	104,9
деҳқон хўжаликлари	544,6	109,0
қишлоқ хўжалик корхоналари	313,9	128,4
Пилла, тонна	23,5	109,2

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон хўжаликлари ҳисобига тўғри келиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 95,0 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 96,8 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 61,8 фоизни ташкил этди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

жами ишлаб чиқаришга нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2008 йилнинг январ–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3406,4 млрд.сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 32,5 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarига бириктирилган умумий қишлоқ хўжалиги ер майдони 5896,6 минг гектарни ташкил қилди.

2009 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 480,7 минг бошни (2008 йилнинг 1 январига нисбатан 14,2 фоизга кўп), шу жумладан сизирлар 162,4 минг бошни (18,5 фоизга), қўй ва эчкилар 1007,3 минг бошни (15,6 фоизга), паррандалар 2538,4 минг бошни (1,9 мартага) ташкил қилди.

Фермер хўжалиklarида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2008й.	2008 йил 2007 йилга нисбатан фоизда
	Минг тонна	Улуши фоиз ҳисобида
Донли экинлар	5327,6	79,2
Пахта	3371,0	99,1
Картошка	226,6	16,2
Сабзавотлар	1717,8	32,9

	2008й.		2008 йил 2007 йилга нисбатан фоизда
	Минг тонна	Улуши фоиз ҳисобида	
Полиз экинлари	461,9	47,1	111,2
Мевалар	649,6	46,3	112,0
Узум	407,5	51,5	84,9
Гўшт	32,4	2,5	107,8
Сут	151,5	2,8	120,8
Тухум, млн. дона	155,2	6,4	175,4
Жун, тонна	1274,0	5,4	111,2
Қоракўл, минг дона	38,3	4,3	104,9
Пилла, тонна	22284,3	95,0	122,9

2008 йилда дон ишлаб чиқаришда фермер хўжалиklarининг улуши 79,2 фоизни (2007 йилда – 79,8 фоиз), пахта етиштиришда 99,1 фоизни (99,0 фоиз), картошка етиштиришда 16,2 фоизни (15,0 фоиз), сабзавот етиштиришда 32,9 фоизни (33,2 фоиз), полиз экинларини етиштиришда 47,1 фоизни (49,5 фоиз), мева етиштиришда 46,3 фоизни (45,7 фоиз), узум етиштиришда 51,5 фоизни (54,5 фоиз) ташкил қилди.

Пиллачилик. 2008 йилда 23450,8 тонна пилла хом ашёси тайёрланган бўлиб, (2007 йилга нисбатан 109,2 фоиз), шундан 16,7 тоннаси олий нав, 1,1 тоннаси элита нав, 223,9 тоннаси уруғлик, 9727,9 тоннаси биринчи нав, 6238,2 тоннаси иккинчи нав, 781,4 тоннаси ностандарт, 4359,4 тоннаси навсиз, 2102,2 тоннаси қорапачоқдир.

Инвестициялар ва қурилиш

2008 йилнинг январ–декабрида асосий капиталга 8483,7 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати 2007 йил январ–декабрига нисбатан 128,3 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

(якунга нисбатан фоиз ҳисобида)

	Шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича
Жами	

	инвестициялар, млрд. сўм	рес-публика бюджет-ти	кор-хоналар ва аҳо-ли маб-лағлари	чет эл инвес-тиция-лари ва кредит-лари	банк кредит-лари ва бошқа қарз маб-лағлари	бюд-жетдан ташқар и фонд-лар маб-лағлари
Жами	8483,7	9,0	53,9	25,8	5,0	6,3
шу шумладан мулкчилик шакллари бўй-ича:						
давлат	2154,9	35,4	32,8	10,0	0,4	21,4
нодавлат	6328,8	-	61,0	31,2	6,6	1,2

Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:

	2008й. январ-декабр	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис-батан фоизда
Жами	8483,7	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	6397,5	75,4
саноат	2556,6	30,1
шу жумладан:		
ёқилғи-энергетика	1170,2	13,8
металлургия	430,2	5,1
кимё ва нефт-кимё	164,4	1,9
машинасозлик	190,2	2,2
енгил саноат	240,1	2,8
озиқ-овқат	198,1	2,3
қурилиш материаллари	100,3	1,2
қишлоқ хўжалиги	258,4	3,1


	2008й.	
	январ–декабр	
	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
қурилиш	191,5	2,3
транспорт ва алоқа	2227,6	26,3
савдо	212,1	2,5
геология ва ер ости бойликларини излаш	903,8	10,7
бошқалар	47,5	0,4
ноишлаб чиқариш тармоқлари	2086,2	24,6
уй–жой қурилиш	841,8	9,9
коммунал хўжалик	123,6	1,5
соғлиқни сақлаш	134,4	1,6
таълим	748,9	8,8
маданият ва санъат	43,3	0,5
бошқалар	194,2	2,3

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 6397,5 млрд. сўми ёки 75,4 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 2086,2 млрд.сўм ёки 24,6 фоизи йўналтирилди.



Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш қуйидаги маълумотларда ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда

2007й.



2008й.



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2008 йилнинг январ-декабрида умумий майдони 7239,8 минг кв. м. бўлган 62,8 мингта уй-жой (2007 йил январ-декабрига нисбатан 104,0 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида-6221,5 минг кв.м. (101,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 270,7 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига

йўналтирилган инвестицияларнинг 13,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 36,1 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун ишлатилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан 87,4 фоизи мактаб фонди, 8,1 фоизи болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Академик-лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 406,8 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 19,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 54,3 фоизини ташкил қилди.


Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 68,5 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобига 28,8 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 42,0 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 27,4 млрд. сўм (40,0 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 6,2 млрд. сўм, шундан аҳоли маблағлари ҳисобига 6,1 млрд. сўмлик (98,5 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2008 йилнинг январ–декабрида 3480,4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2007 йилнинг январ–декабрига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 66,1 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 24,3 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва 9,6 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Транспорт


Юк ташиш. 2008 йилнинг январ–декабрида барча транспорт турлари томонидан 966,1 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2007 йилга нисбатан 9,9 фоизга, юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 84,0 млрд.тн–км.ни ташкил қилди ва 6,7 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2008 й. январ–декабр	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	966,1	109,9
темир йўл транспортида	62,9	108,5
автомобил транспортида	826,8	111,0
ҳаво транспортида, минг тн	6,0	89,6
қувур йўллари орқали	76,4	100,4
Юк айланмаси, млрд. тн–км	84,0	106,7
темир йўл транспортида	23,4	108,4
автомобил транспортида	21,3	117,4
ҳаво транспортида, млн. тн–км	83,3	108,6
қувур йўллари орқали	39,2	100,7

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига
нисбатан фоиз ҳисобида



Асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	Минг тонна	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Юклар – жами	62918,9	108,5
шу жумладан:		
тошкўмир	3317,4	118,4
нефт маҳсулотлари	15417,7	101,1
қора металллар	1188,5	133,4
қора метал темир–терсаклари	990,3	94,6
кимёвий ва минерал ўғитлар	4731,7	119,0
қурилиш материаллари	9218,4	81,0
цемент	6279,2	108,7
ёғоч–тахта материаллари	259,8	120,2
дон ва янчилган дон маҳсулотла– ри	1904,7	96,5

Автомобил транспортида 826,8 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2007 йилнинг январ–декабрига нисбатан 11,0 фоизга кўпайди. Юк айланмаси 17,4 фоизга кўпайди ва 21,3 млрд. тн–км.ни ташкил қилди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2007 йил январ–декабр даражасидан 21,0 фоизга кўпайди ва 15,1 млрд. тн–км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 70,7 фоизни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 6,0 минг тонна юк жўнатилиб, 2007 йил январ–декабрига нисбатан 10,4 фоизга камайди, юк айланмаси эса 6,6 млн. тоннага ёки 8,6 фоизга кўпайди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 2007 йил январ–декабрига нисбатан 0,7 фоизга кўпайди ва 39,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. 2008 йилда барча транспорт турлари томонидан 5260,0 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2007 йилга нисбатан 13,1 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 13,7 фоизга кўпайиб, 64,6 млрд. йўловчи–км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2008 й. январ–декабр	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	5260,0	113,1
темир йўл транспортида	13,0	113,1
автомобил транспортида	5122,4	113,6
ҳаво транспортида	1,5	113,1
шаҳар электр транспортида	123,1	93,4
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	64,6	113,7
темир йўл транспортида	2,5	109,6
автомобил транспортида	55,8	115,4
ҳаво транспортида	5,6	102,4
шаҳар электр транспортида	0,7	96,5

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди – 97,4 фоиз ёки 5122,4 млн. киши, йўловчи айланмасида – мос равишда 86,4 фоиз ва 55,8 млрд. йўловчи–км.

2008 йилнинг январ–декабрида темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 2007 йилга нисбатан 13,1 фоизга кўпайди ва 13,0 млн. йўловчини ташкил этди, йўловчи айланмаси 9,6 фоизга ўсди ва 2478,9 млн. йўловчи–км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1528,5 мингта йўловчи ташилиб, бу 2007 йилга нисбатан 13,1 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса тегишли равишда 5589,3 млн. йўловчи–км. ва 2,4 фоизга кўпайди.

Шаҳар электр транспортида 123,1 млн. йўловчи ташилган бўлиб, бу 2007 йил январ–декабрига нисбатан 6,6 фоизга камайди. Троллейбус транспорти орқали 8,2 млн ёки 2007 йилга нисбатан 42,9 фоиз кам, шунингдек, трамвай транспорти орқали 5,4 млн ёки ўтган йилга нисбатан 11,5 фоиз кам йўловчи ташилган.

Товарлар ва хизматлар бозори

Ҳисобот даврида чакана товар айланмаси 12558,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2007 йилга нисбатан 117,2 фоизга ошди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	12558,9	117,2	100,0
давлат мулки	25,9	112,8	0,2
нодавлат мулки	12533,0	117,2	99,8
ундан фуқароларнинг ху- сусий мулки	9527,3	112,4	75,9

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2008 йилнинг январ–декабрида 4834,5 млрд. сўмни ташкил қилиб, 33,0 фоизга ошган. Чакана савдо айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 38,5 фоизни ташкил қилди (2007 йилнинг январ–декабрида 33,9 фоиз).

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси умумий товар айланмасининг 31,3 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 8,4 фоизга ошди ва 4600,8 млрд. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 36,6 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 3123,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2007 йилнинг январ–декабрига нисбатан 10,2 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 24,9 фоизни ташкил қилди.

2008 йил январ–декабрида чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 й. январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	12558,9	117,2	100,0
шу жумладан:			
савдо корхоналари	4834,5	133,0	38,5
бозорлар	7724,4	109,1	61,5
улардан:			

	Млрд. сўм	2007 й. январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозор– лар	3123,6	110,2	24,9
деҳқон (озиқ–овқат) бозорлари	4600,8	108,4	36,6

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 4474,6 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2007 йил январ–декабрига нисбатан 20,6 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар хажмининг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб 2814,6 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 122,3 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 17,8 фоизга ўсиб, 1660 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 37,1 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 79,5 фоизни ташкил қилди (2007 йилда 79,1 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида	Маълумот учун: 2007 й. январ– декабр якун– га нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	4474,6	100,0	100,0
давлат мулки	918,0	20,5	20,9
нодавлат мулки	3556,6	79,5	79,1
шундан:			
фуқароларнинг хусусий мулки	1786,1	30,9	40,8

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 11,3 фоизни ёки 506,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг ҳажми 2007 йил январ–декабрига нисбатан 21,5 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 89,9 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 455,2 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 26,0 фоизни ташкил қилди.

2008 йилда иқтисодиётнинг барча фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 20082,7 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 5388,5 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизини ташкил қилди. 2007 йилга нисбатан ўсиш суръати 121,3 фоизни ташкил этди.

2008 йилда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	Млрд. сўм	2007 йил январ– декабрига нисбатан фо– из ҳисобида	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	20082,7	121,3	100,0
шу жумладан асосий турлари бўйича:			
Савдо ва овқатланиш хизматлари	3462,6	126,8	17,3
Транспорт хизматлари	6691,3	112,7	33,3
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда	1388,1	140,1	6,9
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда	1423,4	132,2	7,1
Туризм–саёҳат хизматлари	45,9	126,3	0,2
Меҳмонхона хизматлари	63,8	122,5	0,3
Коммунал хизматлар	2751,8	108,4	13,7
Маиший хизматлар	359,2	129,0	1,8
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	183,7	139,2	0,9
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт	3712,9	130,6	18,5

Млрд. сўм	2007 йил	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
	январ– декабрига нисбатан фо– из ҳисобида	

муассасалари хизматларини
ўз ичига олган ҳолда

Ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (140,1 фоиз), автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (139,2 фоиз), микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда, молиявий хизматлар (132,2 фоиз), маиший хизматлар (129 фоиз), савдо ва овқатланиш хизматлари (126,8 фоиз) юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизмат турлари таркиби бўйича энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 33,3 фоизи), савдо ва овқатланиш (17,3 фоизи), коммунал (13,7 фоизи), микрокредитлар беришни ўз ичига олган ҳолда, молиявий хизматлар (7,1 фоизи), ахборот–ресурс марказлари хизматларини ўз ичига олган ҳолда, алоқа ва ахборотлаштириш (6,9 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Нарх–наво ва инфляция

Январ–декабрда
нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши
(нарх–навоининг ўсиши фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси		Декабр оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.
Истеъмол нархлари индекси	0,6	0,6	6,8	7,8
оziқ–овқат маҳсулотлари	0,3	0,2	3,3	2,7
нооziқ–овқат маҳсулотлари	0,7	0,6	8,4	7,7
хизматлар	1,3	2,0	17,2	27,2
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг ин– декси	0,9	0,6	10,9	7,7

	Ўртача ойлик даражаси		Декабр оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2007й.	2008й.	2007й.	2008й.
Юк ташиш тарифларининг индекси	0,9	5,0	11,3	80,2
Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси	0,1	-0,5	1,7	-6,1

**Январ-декабрда саноат тармоқлари бўйича
ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2007й.	2008й.
Жами	110,9	107,7
шу жумладан:		
электроэнергетика	114,1	136,3
ёқилғи	116,8	112,8
қора металлургия	104,7	114,7
рангли металлургия	97,4	39,1
кимё ва нефт-кимё	112,0	133,3
машинасозлик	103,4	112,8
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	112,4	121,4
қурилиш материаллари	111,7	116,6
енгил саноат	113,7	121,1
озиқ-овқат саноати	120,6	133,4
ун-ёрма саноати	120,1	143,2

**Январ-декабрда транспорт турларида
юк ташиш тарифларининг индекси
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2007й.	2008й.
--	--------	--------

	2007й.	2008й.
Юк транспорти – жами	111,3	180,2
шу жумладан:		
темир йўл транспорти	109,9	129,9
автомобил транспорти	125,3	127,6
ҳаво транспорти	109,0	148,5
қувур йўллари	108,4	199,5

**Январ–декабрда юридик шахслар учун
алоқа хизматлари тарифларининг индекси
(аввалги йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2007й.	2008й.
Жами хизматлар	101,7	93,9
шу жумладан		
почта алоқаси	100,0	124,7
шаҳар телефон алоқаси	100,0	100,0
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	104,2	119,2
уяли алоқа	104,1	82,5

Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари 2008 йилда 34,1 фоизга, пул харажатлари ва жамғармалари 34,2 фоизга кўпайди.

Аҳолининг пул даромадлари, харажатлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида	2007 й. январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами даромадлар	100,0	134,1
шу жумладан:		

	Жамига нисбатан фоиз ҳисобида	2007 й. январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	33,3	139,1
ижтимоий трансфертлар (пенсия, пособия, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар)	16,8	142,4
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари со- тиш ва бошқа даромадларни қўшган ҳолда, тадбиркорлик даро- мадлари	49,9	128,5
Жами харажатлар	98,3	134,2
шу жумладан:		
истеъмол харажатлари	74,7	136,1
мажбурий тўловлар ва бадаллар	6,5	131,1
омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, ҳамда валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг ўсиши ва бошқа харажатлар	17,1	127,2

Аҳоли пул даромадларининг умумий ҳажмида тадбиркорлик фаолиятидан (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишдан тушган даромадларни қўшган ҳолда) ва мол-мулкдан олинган даромадлар улуши юқори бўлиб, умумий пул даромадларининг 49,9 фоизини ташкил қилди ва ўсиш сурати 2007 йилга нисбатан 128,5 фоизни ташкил этди.

Умумий пул даромадларининг 33,3 фоизини меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган даромадлар ташкил қилган бўлса, 16,8 фоизини ижтимоий трансфертлар ташкил қилди.

Аҳолининг истеъмол харажатлари 36,1 фоизга кўпайди ва унинг улуши пул даромадларининг умумий ҳажмида 73,5 фоизни (2007 йилда 74,7 фоиз) ташкил этди. Мажбурий тўловлар ва бадалларга ҳақ тўлаш харажатлари 31,1 фоизга кўпайди. Омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, жумладан валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг улуши 17,1 фоизни ташкил этди.


Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

(пул даромадларига нисбатан фоизда)

	Аҳоли пул даромадлари, жами	Улардан қуйидагиларга фойдаланилди			Аҳоли пул қолдиғининг ўсиши
		товар сотиб олиш ва хизматларга тўловлар	мажбурий тўловлар ва бадаллар	жамғармалар ва қимматли қоғозлар, валютата харид қилиш ва бошқалар	
2007й.	100,0	73,5	6,7	18,0	1,8
2008й.	100,0	74,7	6,5	17,1	1,7

Хисобот даврида аҳоли номинал пул даромадларининг ўсиш суръати истеъмол нархларининг ўсиш суръатидан юқори бўлиб, натижада аҳолининг реал пул даромадлари 25,1 фоизга кўпайгани қуйидагича ифодаланади:

2007 йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида



Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига мавжуд аҳоли сони 27555,3 минг кишини ташкил қилди ва 2008 йилнинг

1 январига нисбатан 483,1 минг кишига ёки 1,8 фоизга кўпайди.

2008 йилда миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, минус 25,8 минг кишини ташкил қилди.

Аҳолининг табиий ўсиши 508,9 минг кишини ташкил этди, ҳамда улардан 331,8 минг нафари ёки 65,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди.

2008 йилда аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Минг киши			Ҳар 1000 кишига	
	2007й.	2008й. ^{*)}	ўсиш, камайиш (-)	2007й.	2008й. ^{*)}
Туғилганлар	608,9	646,4	37,5	22,6	23,6
Ўлганлар	137,4	137,5	0,1	5,1	5,0
шу жумладан бир ёшгача болалар	8,1	8,0	-0,1	13,6 ^{**)}	12,6 ^{**)}
Табиий ўсиш	471,5	508,9	37,4	17,5	18,6
Никоҳлар	254,2	249,0	-5,2	9,4	9,1
Ажралишлар	18,2	16,1	-2,1	0,7	0,6

2008 йилда туғилганлар сони 646,4 минг кишини ташкил қилди ва 2007 йилга нисбатан 37,5 минг киши ёки 6,2 фоизга кўпайди, туғилиш коэффициенти 22,6 промилледан 23,6 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг ўсиши Фарғона ва Хоразм вилоятларидан ташқари республикамизнинг деярли барча ҳудудларида қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Андижон (22,6 дан 25,1 промиллега), Самарқанд (23,1 дан 25,4 промиллега) ва Сурхондарё (23,1 дан 25,4 промиллега) вилоятларида кузатилди. Туғилишнинг энг паст даражаси Тошкент шаҳрида (19,1 промилле) сақланиб қолмоқда.

Ўлим даражасининг кўтарилиши Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кузатилди. Энг кўп ўлим ҳоллари Тошкент шаҳрида (7,8 промилле) сақланиб қолмоқда.

^{*)} Баҳо

^{**)} ҳар 1000 та туғилганга

Ўлганлар умумий сонидан 59,3 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 6,6 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 6,4 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2008 йилда бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 8,0 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 2007 йилдаги 13,6 промилледан 12,6 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 44,8 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 35,0 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 8,7 фоизи туғма аномалиялардан, 5,6 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

2008 йилда 249,0 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 16,1 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига 9,1 никоҳ ва 0,6 ажралишлар тўғри келмоқда (2007 йилда мос равишда 9,4 ва 0,7).

Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони, дастлабки маълумотларга кўра, 2007 йилга нисбатан 2,8 фоизга кўпайиб, 11035,4 минг кишини ташкил қилди.

Банд бўлганлар сонининг ўсиши ноишлаб чиқариш соҳасида банд бўлганлар сонининг 3,2 фоизга, моддий ишлаб чиқариш соҳасида 2,6 фоизга кўпайиши ҳисобига бўлди.

Банд бўлган аҳолининг асосий қисми моддий ишлаб чиқариш тармоқларига тўғри келиб, савдо ва умумий овқатланиш (7,7 фоизга), қурилишда (3,8 фоизга), саноатда (2,9 фоизга), транспорт ва алоқада (2,3 фоизга) банд бўлганлар сони жадал суръатларда ўсди.


Ишсизлик. 2008 йилда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 623,3 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2007 йилга нисбатан 11,8 фоизга кўпдир.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг 72,1 фоизи – қишлоқ жойларидаги аҳолини, 1,3 фоизи – 16 ёшдан 18 ёшгача, 53,5 фоизи – 18 ёшдан 30 ёшгача, 43,9 фоизи – 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганларни ташкил қилади.

Меҳнат бўлимлари томонидан 546,6 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 87,7 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2007 йилга нисбатан 0,4 фоизга юқори.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

(минг киши)



Мурожаат этган ишчиларнинг 87,1 фоизи, хизматчиларнинг 88,6 фоизи, ёшларнинг 89,3 фоизи (16 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар), аёлларнинг 86,9 фоизи, эркакларнинг 88,4 фоизи, қишлоқ аҳолисининг 87,8 фоизи ишга жойлаштирилган.

Меҳнат бўлимларида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турганлар сони 22,9 минг нафарни ташкил этган (2007 йилда 27,4 минг киши) ёки 16,5 фоизга камайган.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турганларнинг аксарияти Тошкент шаҳрига – 4,2 минг (жами рўйхатда турганларнинг 18,5 фоизи), Хоразм вилоятига – 3,2 минг киши (13,8 фоизи), Навоий вилоятига – 2,3 минг киши (10,1 фоизи) ва Қашқадарё вилоятига – 2,3 минг киши (9,9 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимларида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турганлар умумий сонидан 16,9 минг нафари ёки 73,8 фоизи ишсиз деб эътироф этилган ва улардан 6,6 минг киши (39,0 фоизи) ишсизлик нафақаси олади.

2008 йилда хизматлар ва сервис соҳаси, чорвачилик ва касаначиликни ривожлантириш, мақсадли давлат Дастурларини амалга ошириш натижасида республика бўйича 660,9 минг янги иш жойлари ташкил қилинди.

Аксарият иш жойлари Тошкент шаҳрида (янги иш жойлари умумий сонининг 9,7 фоизи), Самарқанд (9,6 фоизи), Фарғона (9,6 фоизи), Қашқадарё (9,0 фоизи), Андижон (8,4 фоизи), Бухоро (8,2 фоизи) ва Тошкент вилоятларида (8,0 фоизи) ташкил қилинган.

Республика бўйича ташкил қилинган янги иш жойлари умумий сонининг 66,0 фоизи (436,0 мингта иш жойи) қишлоқ жойларига тўғри келади.